2663. "Кўзғолиш" шеъри кайси шоир, журналист каламига мансуб? **Боту (тахаллуси; асл исм-шарифи Махмуд Мақсудович Ходиев) (1904-1938 йй.) каламига мансуб.**

2664. "Кўй, мен хайкирай" (1914 й.) шеърий тўплами кайси турк шоири каламига мансуб? **Мехмет Эмин (тахаллуси; Юрдакул) (1869-1944 йй.) каламига мансуб.**

2665. "Кўйнидан тўкилса кўнжига" (1849 й.) сатирик комедияси муаллифи кайси рус драматурги? **Островский Александр Николаевич (1823 -1886 йй.).**

2666. "Кўли гул уста" (1939 й.) романи кайси грузин ёзувчиси, Грузия ФА акад. (1944 й.) каламига мансуб? **Гамсахурдиа Константин Семёнович (1891-1975 йй.) каламига мансуб.**

2667. "Кўлимда куролу устимда шинел" шеъ-

ри кайси ўзбек шоираси, журналист, таржимон, Ўзбекистон халқ шоираси (1965 й.), Халқаро Неру (1968 й.), "Нилуфар" (1971 й.) мукофотлари ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970 й.) совриндори, Меҳнат Қаҳрамони (1984 й.), шоир Ҳамид Олимжон рафикаси қаламига мансуб? **Зулфия (тахаллуси; тўлик исм-шарифи Нероилова Зулфия) (1915-1996 йй.) қаламига мансуб.**

2668. "Қўлингга қурол ол!" (1942 й.) шеърий тўплами кайси ўзбек шоири, публицист, адабиётшунос, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943 й.) қаламига мансуб? **Ҳамид Олимжон (Олимжонов Ҳамид) (1909-1944 йй.) қаламига мансуб.**

2669. "Қўлингни бер" (1979 й.) шеърий тўплами муаллифи кайси ўзбек шоири, таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими? **Обидов Зохиджон (1923-1996 йй.).**

2670. "Қўлларим кўксимда" достони кайси ўзбек адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими қаламига мансуб? **Ҳакимов Охунжон (1934 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2671. "Қўлкопсиз" (1920 й.) пьесаси кайси инглиз ёзувчиси, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1932 й.) қаламига мансуб? **Голсуорси Жон (1867-1933 йй.) қаламига мансуб.**

2672. "Кўмондон қизи" (1865 й.) романи кайси хинд ёзувчиси, шоири қаламига мансуб? **Чоттопаддхая Бонкимчондро (1838-1894 йй.) қаламига мансуб.**

2673. "Қўналға" (2004 й.) китоби кайси ўзбек шоири, ёзувчи қаламига мансуб? **Комил Аваз (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2674. "Қўнгизбой билан Сичқонбой" (1955 й.) асари кайси Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1969 й.), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1982 й.) қаламига мансуб? **Қуддус Муҳаммадий (тахаллуси; асл исм-шарифи Мухаммадиев Қуддус) (1907-1999 йй.) қаламига мансуб.**

2675. "Қўнғирот мудофааси" достони муаллифи кайси қоракалпок шоири, ёзувчи ва драматург? **Мирзағали Дарибоев (1907-1942 йй.).**

2676. "Қўнғироклар кимга чалинянти" (1940 й.) романи муаллифи кайси Америка ёзувчиси? **Эрнест Хемингуэй (1899-1961 йй.), Нобель мукофоти совриндори (1954 й.).**

2677. "Қўнғироклар ясаш" (1967 й.) асари кайси чех шоири, Нобель мукофоти совриндори (1984 й.) қаламига мансуб? **Сейферт Ярослав (1901 - 1986 йй.) қаламига мансуб.**

2678. "Қўнғирокчи (1897 й.) романи муаллифи кайси бельгиялик ёзувчи? **Роденбах Жорж (1855-1898 йй.).**

2679. "Қўрик" (1877 й.) романи муаллифи кайси рус ёзувчиси? **Тургенев Иван Сергеевич (1818-1883 йй.).**

2680. "Қўрикхона" асари кайси ўзбек шоири ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири (1990 й.), Ўзбекистон Қаҳрамони (1998 й.), Ҳамза номидаги (1983 й.) ҳамда Алишер Навоий номидаги (1992 й.) Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори қаламига мансуб? **Орипов Абдулла (1941-2016 йй.) қаламига мансуб.**

2681. "Қўрикхонада" асари кайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (2012 й.) қаламига мансуб? **Эшкобил Шукур (1962 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2682. "Қўркок куён" эргаги кайси ўзбек болалар шоири қаламига мансуб? **Толиб Йўлдош (Йўлдошев Толиб, 1919-2002 йй.) қаламига мансуб.**

2683. "Қўргон" (1907 й.) романи кайси инглиз ёзувчиси, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1932 й.) қаламига мансуб? **Голсуорси Жон (1867 - 1933 йй.) қаламига мансуб.**

2684. "Қўрғон" (1922 й.) романи кайси Австрия

ёзувчиси каламига мансуб? **Кафка Франц (1883 -1924 йй.) каламига мансуб.**

2685. "Қўрғондаги туш" (1910 й.) достони кайси Белоруссия халқ шоири (1925 й.), Белоруссия ФА акад. (1928 й.) каламига мансуб? **Купала Янка (тахаллуси, асл исм-шарифи Иван Доминикович Луцевич) (1882-1942 йй.) каламига мансуб.**

2686. "Қўргонча" (1975 й.) романи кайси яҳудий ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1978 й.) каламига мансуб? **Зингер Айзек (Исаак) Башевис (1904-1991 йй.) каламига мансуб. Келиб чикиши польшалик.**

2687. "Қўрғонча" трилогияси муаллифи кайси америкалик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1949 й.)? **Фолкнер Уильям (1897-1962 йй.).**

2688. "Қўрғонланган ой" (1996 й.) романи кайси ёзувчи каламига мансуб? **Бўтаев Шойим (1959 йилда туғилган) каламига мансуб.**

2689. "Қўрғошин солдатча" (1838 й.) эртаги кайси Дания ёзувчиси каламига мансуб? **Андерсен Ханс Кристиан (1805-1875 йй.) каламига мансуб.**

2690. "Қўркинч" (1934 й.) новеллалар тўплами муаллифи кайси турк ёзувчиси? **Садри Эртем (1900-1943 йй.).**

2691. "Қўркинч" (2009 й., озар тилида) шеърлар тўплами кайси шоира каламига мансуб? **Хосият Рустамова (1971 йилда туғилган) каламига мансуб.**

2692. "Қўркинчли Техрон" (1922 й.) романи кайси Эрон ёзувчиси каламига мансуб? **Козимий Муртазо Мунфик (1887- ? йй.) каламига мансуб.**

2693. "Қўркманг, онагинам" (1962 й.) романи кайси грузин ёзувчиси каламига мансуб? **Думбадзе Нодар Владимирович (1928-1984 йй.) каламига мансуб.**

2694. "Қўркув" (1916 й.) шеърий тўплами муаллифи кайси швед ёзувчиси ва драматург, Швеция ФА

акад. (1940 й.), Нобель мукофоти совриндори (1951 й.)? **Лагерквист Пер Фабиан (1891-1974 йй.).**

2695. "Қўркувдан мағрурликка" (1959 й.) романи муаллифи кайси Уругвай ёзувчиси? **А. Гравин (1913 йилда туғилган).**

2696. "Кўчкор Турдиев" (1941 й., Собир Абдулла билан ҳамкорликда) сахна асари шеърий тўплами кайси ўзбек шоири, драматург, таржимон каламига мансуб? **Чустий (тахаллуси; асл исм-шарифи Хўжаев Набихон) (1904 - 1983 йй.) каламига мансуб.**

2697. "Кўш бахор" (1970 й.) шеърий тўплами муаллифи кайси ўзбек болалар шоири? **Эсон Раҳим (тахаллуси; асл исм-шарифи Рахимов Эсон Рахимович 1913–1977 йй.).**

2698. "Кўш кабутар" (2001 й.) пьесаси тўплами кайси ўзбек адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими каламига мансуб? **Хакимов Охунжон (1934 йилда туғилган) каламига мансуб.**

2699. "Кўш камалак" (1964 й.) асари муаллифи кайси рус ёзувчиси, Ўзбекистон халқ шоири (1974 й.), Мехнат Кахрамони (1966 й.)? **Тихонов Николай Семёнович (1896-1979 йй.).**

2700. "Кўш узук" (2007 й.) киссаси кайси ўзбек ёзувчиси каламига мансуб? **Хабиб Темур (1954 йилда туғилган) каламига мансуб.**

2701. "Кўш юрак" (1981 й.) тўплами муаллифи кайси ўзбек ёзувчиси? **Юсуф Шомансур (асл исм-шарифи Шомансуров Юсуф Турсунович) (1936 - 1978 йй.).**

2702. "Кўшчи Пётр хакида туш" поэмаси кайси инглиз ёзувчиси каламига мансуб? **У. Легенд каламига мансуб.**

2703. "Кўшчи кўшиғи" (1831 й.) асари муаллифи кайси рус шоири? **Кольцов Алексей Васильевич (1809-1842 йй.).**

2704. "Қўша қаринглар" (1971 й.) драмаси қайси ўзбек адиби қаламига мансуб? **Шухрат (Алимов Ғулом Аминжонович) (1918-1993 йй.) қаламига мансуб.**

2705. "Қўшин достони" (1916 й.) шеърлар тўплами қайси турк шоири қаламига мансуб? **Мехмет Эмин (тахаллуси; Юрдакул) (1869-1944 йй.) қаламига мансуб.**

2706. Қўшик нима? **Кенг маънода вокал мусиқасининг энг оддий ва оммавий тури. Шеърий ва мусиқавий образлар бирикмасидан иборат.**

2707. "Қўшик ва жанг" (1940 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси швед ёзувчиси ва драматург, Швеция ФА акад. (1940 й.), Нобель мукофоти совриндори (1951 й.)? **Лагерквист Пер Фабиан (1891-1974 йй.).**

2708. "Қўшик иштиёқи" (1979 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек шоири? **Маъруф Жалил (1936-2004 йй.).**

2709. "Қўшик садоси" (1954 й.) асари қайси ҳинд шоири ва ёзувчи қаламига мансуб? **Нирала, Сурьякант Трипатхи (1896-1961 йй.) қаламига мансуб.**

2710. "Қўшик айтиб" (1985 й.) асари қайси ўзбек болалар шоири, драматург, Ўзбекистон халқ ёзувчиси қаламига мансуб? **Пўлат Мўмин (тахаллуси; асл исм-шарифи Мўминов Пўлат) (1922-2004 йй.) қаламига мансуб.**

2711. "Қўшиклар" (1821 й.) шеърий тўплами қайси француз шоири қаламига мансуб? **Беранже Пьер Жан (1780-1857 йй.) қаламига мансуб.**

2712. "Қўшиклар" (1856 й.) асари қайси латвия-лик адиб қаламига мансуб? **Ю. А. Алунан қаламига мансуб.**

2713. "Қўшиклар" (1927 й.) асари муаллифи қайси испан шоири ва драматург? **Гарсиа Лорка (1899-1936 йй.).**

2714. "Қўшиклар" (1933 й.) шеърий тўплами

қайси ўзбек болалар шоири қаламига мансуб? **Зафар Диёр (1912-1946 йй.) қаламига мансуб.**

2715. "Қўшиклар" тўплами қайси ўзбек шоири, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Амин Умарий (1913-1942 йй.) қаламига мансуб.**

2716. "Қўшиклар" (1939 й.) шеърий китоби қайси чех адибаси қаламига мансуб? **Пуйманова Мария (1893-1958 йй.) қаламига мансуб.**

2717. "Қўшиклар гулдастаси" (1966 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири? **Ўткир Рашид (тахаллуси, асл исм-шарифи Рашидов Маҳмуд; 1917 йилда туғилган).**

2718. "Қўшиқларим" (1949-1956 йй.) асари қайси шоир, драматург, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1979 й.) қаламига мансуб? **Ҳамид Ғулом (Ғуломов Ҳамид Убайдуллаевич) (1919-2005 йй.) қаламига мансуб.**

2719. "Қўшиқларим" (2004 й.) шеърий асари қайси Ўзбекистон халқ шоири (2005 й.) қаламига мансуб? **Икбол Мирзо (тахаллуси; асл исм-шарифи Мирзалиев Икболжон) (1967 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2720. "Қўшиклар китоби" (1827 й.) шеърий тўплами қайси немис шоири, публицист, танқидчи ва мутафаккир қаламига мансуб? **Гейне Мансуб (1797 - 1856 йй.) қаламига мансуб.**

2721. "Қўшиклар канотида" (1893 й.) илк шеърий тўплами қайси украин шоираси, драматург ва публицист қаламига мансуб? **Леся Украинка (тахаллуси; асл исм-шарифи Косач (Косач-Квитка) Лариса Петровна) (1871-1913 йй.) қаламига мансуб.**

2722. "Қўшиклар канотида" (1974 й.) шеърий китоби муаллифи қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.)? **Тошпўлат Ҳамид (Ҳамидов Тошпўлат Ҳакимович), (1927-1984 йй.).**

2723. "Қўшиклар ва жарохатлар" (1897 й.) досто-

ни муаллифи кайси арман шоири, Арманистон ФА акад. (1943 й.)? **Исаакян Аветик Саакович (1875 - 1957 йй.).**

2724. "Кўшикнинг туғилиши" (1954 й.) илк шеърлар тўплами муаллифи кайси рус шоири, ёзувчи ва таржимон? **Пармузин Борис Сергеевич (1924 й.).**

2725. "Кўшик ўлмайди" достони муаллифи кайси козок шоири? Достон нечанчи йилда ёзилган? Достон кайси татар шоирига бағишланган? **Мўлдагалиев Жубан (1920 йилда туғилган). 1956 йилда ёзилган. Татар шоири Муса Жалилга бағишланган.**

2726. "Кўшикчи" (1929 й.) хикояси муаллифи кайси рус адибаси? **Сейфуллина Лидия Николаевна (1889-1954 йй.).**

2727. "Кўшикчининг такдири" (1963 й.) илк хикояси кайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1982 й.) каламига мансуб? **Хусанов Окилжон (1932-2001 йй.) каламига мансуб.**

2728. "Кўшкайин" (1936 й.) шеърий романи кайси Бошкирдистон халк шоири (1964 й.) каламига мансуб? **Сайфи Кудаш (тахаллуси; асл исм-шарифи Кудашев Сайфи Фаттахович, 1894-1994 йй.) каламига мансуб.**

2729. "Кўшни киз" (1954 й.) киссаси муаллифи кайси Тожикистон халк ёзувчиси (1986 й.), Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти совриндори (1977 й.)? **Фотех Ниёзий (1914-1991 йй.).**

2730. "Кўшнимнинг кизи" асари кайси коракалпок адиби каламига мансуб? **Ж. Хўжанов каламига мансуб.**

2731. "Кўшнилар" (2010 й., М.Низанов билан хаммуаллифликда) сценарийси кайси ёзувчи каламига мансуб? **Гафур Шермухаммад (1973 йилда туғилган) каламига мансуб.**

2732. "Кўшниларим" (1939-1945 йй.) шеърий тўплами кайси болкор шоири каламига мансуб? **Кулиев Кайсин Шуваевич (1917-1985 йй.) каламига мансуб.**

2733. "Кўшниларим" (1968 й.) достони кайси ўзбек шоираси ёзувчи Саид Ахмад рафикаси каламига мансуб? **Зунунова Санда (1926-1977 йй.) каламига мансуб.**

2734. "Кўшчи ашуласи" (1928 й.) асари кайси Ўзбекистон халк шоири (1972 й.) каламига мансуб? **Гайратий (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдуллаев Абдурахим) (1902-1976 йй.) каламига мансуб.**

2735. "Кўшчи Турғун" (1925 й.) хикоялар китоби кайси ўзбек шоири каламига мансуб? **Элбек (тахаллуси; асл исм-шарифи Юнусов Машрик) (1898-1939 йй.) каламига мансуб.**

2736. "Кўшчи билан сичкон" масали кайси уйгур ёзувчиси, драматург, янги давр уйғур адабиёти асосчиси каламига мансуб? **Зунун Кодирий (1912-1989 йй.) каламига мансуб.**

2737. Кўкон хони топшириғига кўра, кайси шоир "Мажмуан шоирон" ("Шоирлар мажмуаси", 1821 й.) тазкирасини тузган? **Фазлий Намангоний (тахаллуси; асл исми Абдулкарим, XVIII асрнинг 2-ярми - XIX асрнинг 1-ярми, Наманган) тузган.**

2738. "Кўконнома" (1992 й.) асари кайси ўзбек болалар шоири, ёзувчи каламига мансуб? **Йўлдош Сулаймон (1935-2003 йй.) каламига мансуб.**

2739. "Кўгирчок уй ёки Нора (1879 й.) пьесаси муаллифи кайси норвег драматурги? **Ибсен Генрик (1828-1906 йй.).**

2740. "Кўхна тарих" (1914 й.) асари муаллифи кайси турк шоири, журналист? **Танфик Фикрат, Мехмет (1867–1915 йй.).**

Ғоя фандан юқори туради.
О. Бальзак

2741. "Ғазаб ва мухаббат" (1943 й.) тўплами қайси ўзбек шоири ва драматург. Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1974 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1985 й.) қаламига мансуб? **Уйғун (тахаллуси; асл исм-шарифи Отақўзиев Раҳматулла) (1905 -1990 йй.) қаламига мансуб.**

2742. "Ғазаб ва севги" (1943 й.) асари муаллифи қайси Озарбайжон халқ шоири (1960 й.), Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1980 й.)? **Расул Рзо (тахаллуси; асл исм-шарифи Расул Иброҳим ўғли Рзаев) (1910-1981 йй.).**

2743. "Ғазаб" асари муаллифи қайси рус адиби? **Л. Леонов.**

2744. "Ғазаб шингиллари" (1939 й.) романи қайси Америка ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1962 й.) қаламига мансуб? **Стейнбек Жон Эрнст (1902-1968 йй.) қаламига мансуб.**

2745. "Ғазабнок оила" комедияси қайси рус ёзувчиси, масалчи қаламига мансуб? **Крилов Иван Андреевич (1769-1844 йй.) қаламига мансуб.**

2746. "Ғазал ва мухаббат" (1968 й.) сахна асари қайси ўзбек шоири ва драматург қаламига мансуб? **Дўшан Файзий (1927 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2747. "Ғазали кози Мухаммадражаб" ҳажвий асари муаллифи қайси ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири? **Махмур (тахаллуси; асл исм-шарифи Махмул Мулла Шермухаммад ўғли, ? - Қўқон - 1844 й.).**

2748. "Ғазали Хожи Ниёз" ҳажвий асари муаллифи қайси ўзбек

дан бири? **Махмур (тахаллуси; асл исм-шарифи Махмуд Мулла Шермухаммад ўғли, ? - Қўқон - 1844 й.).**

2749. "Ғазалиёт" девонини қайси уйғур шоири тузган? **Нозим Мулла Билол (1825 й., Ғулжа - 1899 й., Ёркенд) тузган.**

2750. "Ғазалиёт" асари қайси шоир, мутафаккир қаламига мансуб? **Бедил (тахаллуси) Мирзо Абдулқодир (1644–1721 йй.) қаламига мансуб.**

2751. "Ғазаллар" (1977 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Чустий (тахаллуси; асл исм-шарифи Хўжаев Набихон) (1904 - 1983 йй.) қаламига мансуб.**

2752. "Ғазнавийлар" тарихий романи қайси ўзбек ёзувчиси ва журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968 й.) қаламига мансуб? **Қориев Мақсуд (1926-2010 йй.) қаламига мансуб.**

2753. "Ғайб қушлари" (2011 й.) романи қайси ўзбек ёзувчиси, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист (1989 й.) қаламига мансуб? **Эркин Самандар (1935 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2754. "Ғайратнома" манзумаси қайси Бухоро хони (1533-1540 йй.), шоир қаламига мансуб? **Убайдулладхон, Убайдулла Султон, Убайдий (тўлиқ исми: Абулғозий Убайдуллох Баходирхон ибн Маҳмуд Султон ибн Шох Будоғ Султон ибн Абдулхайрхон) (1486 й. Хоразмнинг Вазир ш. яқинидаги Тирсак мавзеси - 1540 й., Бухоро) қаламига мансуб.**

2755. "Ғайритабиийлик хақида" (1883 й.) достони қайси Швейцария ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1919 й.) қаламига мансуб? **Шпиттелер Карл (асл исми; тахаллуси Феликс Тандем) (1845-1924 йй.) қаламига мансуб.**

2756. "Ғала-говур шаҳирлар" (1895 й.) шеърий

қаламига мансуб? **Верхарн Эмиль (1855-1916 йй.) қаламига мансуб.**

2757. "Ғалла янчувчилар" (1918 й.) шеърий тўплами қайси америкалик шоир, фольклор қаламига мансуб? **Сэндберг Карл (1878-1967 йй.) қаламига мансуб.**

2758. "Ғаллакор қўллар" (1963 й.) шеърий тўплами қайси Литва халқ шоири (1978 й.) қаламига мансуб? **Марцинкявичюс Юстинас Мотеюс (1930 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2759. "Ғалаба байрами" (1946 й.) достони қайси Тожикистон халқ шоири (1974 й.) қаламига мансуб? **Боқи Раҳимзода (1910-1980 йй.) қаламига мансуб.**

2760. "Ғалаба ишончи" асари қайси ўзбек шоири, драматург, таржимон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1980), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1972 й.) қаламига мансуб? **Аскад Мухтор (тахаллуси; фамилияси Мухторов) (1920 - 1997 йй.) қаламига мансуб.**

2761. "Ғалаба йўлидан" (1943 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси бурят ёзувчиси? **Цидендамбаев Чимит–Доржи (1918 йилда туғилган).**

2762. "Ғалаба йўлида" (1952-1956 йй.) асари қайси шоир, драматург, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1979 й.) қаламига мансуб? **Ҳамид Ғулом (Ғуломов Ҳамид Убайдуллаевич) (1919-2005 йй.) қаламига мансуб.**

2763. "Ғалаба куни" (1942 й.) киссаси қайси бурят ёзувчиси қаламига мансуб? **Намсараев Хотца Намсараевич (1889-1959 йй.) қаламига мансуб.**

2764. "Ғалаба тўлқинлари" (1933 й.) шеърлар тўплами қайси тожик адиби қаламига мансуб? **Раҳим Жамил (1909 й.) қаламига мансуб.**

2765. "Ғалаба қиламиз" асари муаллифи қайси қозоқ шоири ва драматурги, филология фанлари доктори (1971 й.)? **Тожибоев Абдулла (1909 й.).**

2766. "Ғалаба сари олға!" (1944 й.) шеърий китоби

қайси қорақалпоқ шоири ва ёзувчи қаламига мансуб? **Сентов Хожабек (1925-2001 йй.) қаламига мансуб.**

2767. "Ғалабани куйлайман" (1946 й.) тўплами муаллифи қайси рус шоири, Меҳнат Қаҳрамони (1969 й.), Халқаро Ботеф мукофоти совриндори (1976 й.)? **Сурков Алексей Александрович (1899 й.).**

2768. "Ғалаба марши" (1928 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Шокир Сулаймон (асл исм - шарифи Сулаймонов Шокир, 1900-1942 йй.).**

2769. "Ғалаба" да баҳор" (1948 й.) достони қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Грибачёв Николай Матвеевич (1910-1992 йй.) қаламига мансуб.**

2770. "Ғалабалар калити" (1291 й.) достони қайси форс-тожик шоири, адабиётшунос, бастакор қаламига мансуб? **Хусрав Дехлавий (тахаллуси; тўла номи Ямминддин Абдулҳасан) (1253-1325 йй.) қаламига мансуб.**

2771. "Ғалаён" (1897 й.) асари қайси поляк ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1924 й.) қаламига мансуб? **Реймонт Владислав Станислав (1867-1925 йй.) қаламига мансуб.**

2772. "Ғалати", "Хит килди", "Эҳтиёж" радифли ғазаллари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Нодим Намангоний (тахаллуси; асл исм-шарифи Сулаймонхўжа Улуғхўжа ўғли, 1844-1910 йй.) қаламига мансуб.**

2773. "Ғалати одам" (1831 й.) поэмаси қайси рус шоири қаламига мансуб? **Лермонтов Михаил Юрьевич (1814-1841 йй.) қаламига мансуб.**

2774. "Ғалати одамлар" (1877 й.) киссаси қайси Норвегия ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1920 й.) қаламига мансуб? **Гамсун (Хамсун) (тахаллуси; асл фамилияси Педерсен) Кнут (1859-1952 йй.) қаламига мансуб.**

2775. "Ғалати одамлар" (1911 й.) насрий тўплами

муаллифи кайси рус ёзувчиси? **Толстой Алексей Николаевич (1882-1945 йй.)**

2776. "Ғалати туш" (1972 й.) шеърий тўплами кайси ўзбек шоири, таржимон, 1993 йили Махмуд Кошғарий номидаги, 2007 йили Мавлоно Жалолиддин Румий мукофотлари совриндори каламига мансуб? **Миразиз Аъзам (1936 йилда тугилган) каламига мансуб.**

2777. "Ғалати тўй" (1966 й.) асари кайси мўғул ёзувчиси, Мўғулистон ФА акад. (1961 й.) каламига мансуб? **Дамдижурэн Цэндийн (1908-1986 йй.) каламига мансуб.**

2778. "Ғалати гоялар" китоблар серияси (5 жилдли, 1769-1789 йй.) кайси француз адиби каламига мансуб? **Ретиф де ла Бретони Никола (1734 - 1806 йй.) каламига мансуб.**

2779. "Ғам-ғусса китоби" асари кайси мозамбиялик адиб каламига мансуб? **Ж. Албазини каламига мансуб.**

2780. "Ғамгин ўйинчок" (1912 й.) тўплами муаллифи кайси япон ёзувчиси? **Исикава Такубоку (таҳаллуси - Такубоку) (1885-1912 йй.).**

2781. "Ғамгин диёр" (1911 й.) романи кайси зимбабвелик ёзувчи каламига мансуб? **А. Ш. Крипс каламига мансуб.**

2782. "Ғамгин куйлар" (1903 й.) шеърий тўплами кайси испан шоири, Нобель мукофоти совриндори (1956 й.) каламига мансуб? **Хименес Хуан Рамон (1881-1958 йй.) каламига мансуб.**

2783. "Ғамгин юлдузлар" (1949 й.) шеърий китоби кайси немис шоираси, Нобель мукофоти совриндори (1966 й.) каламига мансуб? **Закс Нелли (1891 - 1970 йй.) каламига мансуб.**

2784. "Ғамгин хикоялар" (1921 й.) тўплами кайси чех ёзувчиси каламига мансуб? **Чапек Карел (1890 - 1938 йй.) каламига мансуб.**

2785. "Ғамгинлар" (1941 й.) шеърлар тўплами кайси Покистон шоири, "Нилуфар" мукофоти (1975 й.) совриндори каламига мансуб? **Файз Ахмад Файз (1911-1984 йй.) каламига мансуб.**

2786. "Ғамзанг ўки" асари кайси туркман шоири, бастакор ва созанда каламига мансуб? **Мискин Килич (тахаллуси; асл исми Мулла Килич; тахм. 1847 й., Хива - 1906 й., Горон) каламига мансуб.**

2787. "Ғани ботир" (1979 й.) тарихий романи муаллифи кайси уйгур ёзувчиси, Қозоғистон халк ёзувчиси (1986 й.)? **Зиё Самадий (1914 йилда тугилган).**

2788. "Ғаразли соат" (1962 й.) повести кайси колумбиялик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1982 й.) муаллиф каламига мансуб? **Маркес Габриель Гарсиа (1928 йилда тугилган) каламига мансуб.**

2789. "Ғарб калби" новеллалар тўплами кайси америкалик ёзувчи каламига мансуб? **О' Генри (тахаллуси, асл исм - шарифи Уильям Сидни Портер) (1862 - 1910 йй.) каламига мансуб.**

2790. "Ғариб ошик" (Т. Алланазаров билан хамкорликда) пьесаси кайси коракалпок ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1957 й.) каламига мансуб? **Бегимов Асан Изимович (1907-1958 йй.) каламига мансуб.**

2791. "Ғариб куёшлари" асари муаллифи кайси озарбайжонлик шоир, адабий танкидчи? **Аббос Саххат Мехдизода (1874-1918 йй.).**

2792. "Ғарбдаги уруш" (1915 й.) асари кайси немис ёзувчиси каламига мансуб? **Келлерман Бернхард (1879-1951 йй.) каламига мансуб.**

2793. "Ғарбий Европа адабиётининг мухим боскичлари тарихи" (1924 - 1930 йй., 2 жилдли) асари кайси рус ёзувчиси, танкидчи, адабиётшунос, санъатшунос, собик Иттифок ФА акад. (1930 й.) каламига мансуб? **Луначарский Анатолий Васильевич (1875-**

каламига мансуб.

2794. "Ғарбий кўланка" (1980 й.) асари кайси фантаст ёзувчи ва публицист, ўзбек илмий-бадиий фантастикаси асосчиларидан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1997 й.) каламига мансуб? **Шайхов Хожиакбар 1945-2002 йй., ота-боболари асли тошкентлик бўлиб, Шаркий Туркистонга кўчиб кетишган ва 1955 йили ватанига кайтишган. Тошкент политехника институтининг энергетика факультетини тугатган (1971 й.) каламига мансуб.**

2795. "Ғарбий фронтда хеч кандай ўзгариш йўк" (1929 й.) романи кайси немис ёзувчиси каламига мансуб? **Ремарк Эрих Мария (1898-1970 йй.) каламига мансуб.**

2796. Ғарибий (тахаллуси; асл исм-шарифи Мулла Умрзок Абдували ўғли) (1877-1961 йй.)нинг адабий мероси неча мисра атрофида? **14000 мисра атрофида, шеърлари 1000 га якин.**

2797. Ғарибий (тахаллуси; асл исм-шарифи Мулла Умрзок Абдували ўғли) (1877-1961 йй.)дан нечта мухаммас мерос колган? **70 га мухаммас колган.**

2798. Ғарибий (тахаллуси; асл исм-шарифи Мулла Умрзок Абдували ўғли) (1877-1961 йй.)дан нечта ғазал мерос колган? **850 та ғазал колган.**

2799. Ғарибий (тахаллуси; асл исм-шарифи Мулла Умрзок Абдували ўғли) (1877-1961 йй.) нечанчи йилда "Ғарибий" тахаллуси билан ёзган шеърларини тўплаб, девон тузган? **1911 йилда.**

2800. Ғарибий (тахаллуси; асл исм-шарифи Мулла Умрзок Абдували ўғли) (1877-1961 йй.) 1917-1926 йилларда кандай тахаллусда ижод килган? **"Мухбир" тахаллусда ижод килган.**

2801. Ғарибий (тахаллуси; асл исм-шарифи Мулла Умрзок Абдували ўғли) (1877-1961 йй.) 1926 йилдан умрининг охиригача кандай тахаллусда ижод килган? **"Шухрат" тахаллусда ижод килган.**

2802. "Ғаройиб аждархо" (1990 й.) шеърий

тўплами муаллифи кайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халк шоири (2000 й.), Грузиянинг Маяковский номидаги Давлат мукофоти совриндори (1982 й.), "Дўстлик" ордени (1998 й.) сохиби? **Усмон Азим (1950 йилда тугилган).**

2803. "Ғаройиб болалар" асари кайси турк хажвий ёзувчиси, драматург каламига мансуб? **Азиз Несин (тахаллуси; асл исми - Махмуд Нусрат) (1915-1995 йй.) каламига мансуб.**

2804. "Ғаройиб кишилар" картинаси муаллифи кайси рус ёзувчиси, кинорежиссёр, сценарист? **Шукшин Василий Макарович (1929-1974 йй.).**

2805. "Ғаройиб такдирлар" (2015 й.) асари кайси ўзбек ёзувчиси каламига мансуб? **Жовли Хушбок каламига мансуб.**

2806. "Ғаройиб Ходисалар" хикоялар тўплами кайси тунислик адиб каламига мансуб? **Иззеддин Меданий каламига мансуб.**

2807. "Ғаройиб кишлокнинг ажойиб одамлари" (2015 й.) асари муаллифи кайси шоир, Киргизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби каламига мансуб? **Адашбоев Турсунбой (1939 йилда тугилган) каламига мансуб.**

2808. "Ғарк бўлган гобой" (1932 й.) асари кайси италъян шоири, Нобель мукофоти совриндори (1959 й.) каламига мансуб? **Квазимодо -Сальваторе (1901-1968 йй.) каламига мансуб.**

2809. "Ғассонлик киз" (1895-1896 йй.) романи кайси араб ёзувчиси, публицист ва олим каламига мансуб? **Зайдон Журжи (1861-1914 йй.) каламига мансуб.**

2810. "Ғафлатдан уйғонганда" (1899 й.) асари муаллифи кайси инглиз ёзувчиси? **Уэллс Герберт Жорж (1866-1946 йй.).**

2811. Ғафур Ғулом (1903-1966 йй.) "Шум бола" (1936 й.) асарининг илк номи нима бўлган? **Илк номи**

"Довдираш". 1960 йилларда хозирги холига келтирилган.

2812. "Ғаюровлар оиласининг саргузашти" (1975 й.) киносценарийси муаллифи кайси Тожикистон халк ёзувчиси (1986 й.), Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти совриндори (1977 й.)? **Фотех Ниёзий (1914 - 1991 йй.).**

2813. "Ғиждувон ободдир. Ғиждувоний хаёт" (1999 й.) китоби кайси ўзбек шоираси каламига мансуб? **Мўминова Зулфия (1959 йилда тугилган) каламига мансуб.**

2814. "Ғилдирак" (1905 й.) романи муаллифи кайси Дания ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1944 й.)? **Йенсен Йоханнес Вильгельм (1873 - 1950 йй.).**

2815. "Ғилдирак" (1989 й.) асари кайси ўзбек шоири каламига мансуб? **Камбар Ота (1941-2016 йй.) каламига мансуб.**

2816. "Ғилоф бандаси" (1897 й.) киссаси кайси рус ёзувчиси каламига мансуб? **Чехов Антон Павлович (1860-1904 йй.) каламига мансуб.**

2817. "Ғоз карнайчи бўлмасин" (2015 й.) асари муаллифи кайси шоир, Киргизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби каламига мансуб? **Алашбоев Турсунбой (1939 йилда тугилган) каламига мансуб.**

2818. "Ғозлар - оккушлар учмокдалар" (1964 й.) киссаси кайси украин ёзувчиси, Мехнат Кахрамони (1972 й.) каламига мансуб? **Стельмах Михаил Афанасьевич (1912 й.) каламига мансуб.**

2819. "Ғози Мустафо Камол Отатурк" (1973 й.) асари муаллифи кайси турк шоири? **Доғларжа Фозил Хусну (1914 йилда тугилган).**

2820. "Ғозпанжа кироличасининг ошхонаси" (1893 й.) романи кайси француз романнависи, танкидчи, Нобель мукофоти совриндори (1921 й.) каламига мансуб? **Анатоль Франс (1844-1924 йй.) каламига мансуб.**

2821. "Ғойиб бўлган тог" (1883 й.) романи кайси инглиз ёзувчиси каламига мансуб? **Рид Томас Майн (1818 - 1883 йй.) каламига мансуб.**

2822. "Ғолиб" (1937 й.) достони кайси рус ёзувчиси ва жамоат арбоби, Мехнат Кахрамони (1974 й.) каламига мансуб? **Симонов Константин (Кирилл) Михайлович (1915-1979 йй.) каламига мансуб.**

2823. "Ғолиб гирдоб" асари кайси бошкирд ёзувчиси каламига мансуб? **И.Носирий (19898-1942 йй.) каламига мансуб.**

2824. "Ғолибга байрок берилмайди" (1933 й.) хикоялар тўплами кайси америкалик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1954 й.) каламига мансуб? **Хемингуэй Эрнест Миллер (1899-1961 йй.) каламига мансуб.**

2825. "Ғойибдан дўст билан сухбатлар" шеърий тўплами кайси ўзбек ёзувчиси каламига мансуб? **Азиз Саид (1961 йилда тугилган) каламига мансуб.**

2826. "Ғолиблар" (1951 й.) асари кайси давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи, 2 марта Мехнат Кахрамони (1974, 1977 йй.) каламига мансуб? **Рашидов Шароф Рашидович (1917-1983 йй.) каламига мансуб.**

2827. "Ғор" асари кайси рус ёзувчиси каламига мансуб? **Замятин Евгений Иванович (1884-1937 йй.) каламига мансуб.**

2828. "Ғор кишилари хакида" (1903 й.) асари кайси адиб ва шоир каламига мансуб? **Мусо Сайрами (1836 - 1917 йй.) каламига мансуб.**

2829. "Ғоя" (1923 й.) асари кайси грузин шоири, Грузия халк шоири (1933 й.), Грузия ФА акад. (1944 й.)? **Табидзе Галактион Васильевич (1892–1959 йй.).**

2830. "Ғубор дарду алам" газали муаллифи кайси Ўзбекистон халк шоири (1926 й.)? **Сўфизода (тахаллуси, асл исм-шарифи – Мухаммадшариф Эгамберди ўғли; 1880 -1937 йй.).**

2831. "Ғуборингни ёзгайман" (1990 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Абу Наби (1954 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2832. Ғулом Мирзо Георг Генделнинг қайси мусиқий драмасини нечанчи йилда ўзбек тилига таржима қилган? **"Амир Темур" мусиқий драмасини 2015 йилда таржима қилган.**

2833. "Ғунчалар" (1986 й.) асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Тўлқин (Тўлқин Имомхўжаев, 1938-1996 йй.) қаламига мансуб.**

2834. "Ғунчалар" (1930 й.) пьесаси қайси драматург, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1983 й.) қаламига мансуб? **Зиннат Фатхуллин (тўлиқ исм-шарифи Зиннат Равилович Фатхуллин) (1903-1988 йй.) қаламига мансуб.**

2835. "Ғунчалар" (1935 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Элбек (тахаллуси; асл исм-шарифи Юнусов Машрик) (1898 - 1939 йй.) қаламига мансуб.**

2836. "Ғунчалар" (1987 й.) китоби муаллифи қайси ўзбек шоири? **Назармат (Назармат Эгамназаров, 1917-2009 йй.).**

2837. "Ғунчам" (1939 й.) ҳикояси қайси уйғур ёзувчиси, драматург, янги давр уйғур адабиёти асосчиси қаламига мансуб? **Зуннун Қодирий (1912-1989 йй.) қаламига мансуб.**

2838. "Ғурбатда" (1910 й.) новелласи қайси татар ёзувчиси қаламига мансуб? **Камол Шариф (тахаллуси; фамилияси Байгильдиев) (1884-1942 йй.) қаламига мансуб.**

2839. "Ғурбатда фуркат" (1959 й.) достони қайси Ўзбекистон халқ шоири (1972 й.) қаламига мансуб? **Ғайратий (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдуллаев Абдураҳим) (1902-1976 йй.) қаламига мансуб.**

2840. "Ғурур" (1982 й.) ҳажвий ҳикояси қайси ўзбек адиби қаламига мансуб? **Шароф Бошбеков (1951 й.) қаламига мансуб.**

2841. "Ғурур" (1965 й.) асари қайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист қаламига мансуб? **Назаров Учқун (1934-2016 йй.) қаламига мансуб.**

2842. "Ғуруним" (1978 й., ўзбек тилида) шеърий тўплами қайси уйғур шоири ва адабиётшунос қаламига мансуб? **Рўзи Қодирий (тахаллуси; асл исм-шарифи Рўзиев Рўзи) (1925 й., Қашқар-2001 й., Тошкент) қаламига мансуб.**

2843. "Ғурургепада саратон" (2011 й.)ҳикоялар туркуми қайси ёзувчи қаламига мансуб? **Хайдарова Рисолат (1966 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

2844. "Ғурумсаройликлар" (1962 й.) очерклар тўплами қайси ўзбек ёзувчиси, таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970 й.) қаламига мансуб? **Шамшаров Йўлдош (1907-1987 йй.) қаламига мансуб.**

2845. "Ғусса" (1994 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (2000 й.), Грузиянинг Маяковский номидаги Давлат мукофоти совриндори (1982 й.), "Дўстлик" ордени (1998 й.) сохиби? **Усмон Азим (1950 йилда туғилган).**

2846. "Ғуссали элегиялар" (тахм. 8-йилдан кейин, 5 китобдан иборат) асари қайси Рим шоири қаламига мансуб? **Овидий (Публий Овидий Назон) (мил. ав. 43 й. - мил. тахм. 18 й.) қаламига мансуб.**

2847. "Ғўрлик" насрий асари қайси инглиз ёзувчиси, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1925 й.) қаламига мансуб? **Шоу Жорж Бернард (1856 - 1950 йй.) қаламига мансуб.**

Хеч ким сизга китобчалик маслаҳат, танбеҳ беролмайди.
Абулқосим Фирдавсий

2848. "Ҳабашлар маҳалласи" (1935 й.) романи қайси француз ёзувчиси, Бельгия Қироллик академияси аъзоси (1952 йилдан) қаламига мансуб? **Сименон Жорж (1903-1989 йй.) қаламига мансуб.**

2849. "Ҳавас қилдим" (1885 й.) шеърий тўплами қайси турк ёзувчиси қаламига мансуб? **Набизода Назим (1862-1893 йй.) қаламига мансуб.**

2850. "Ҳаво йўли" ҳикояси муаллифи қайси рус шоири, Нобель мукофоти совриндори (1958 й.)? **Пастернак Борис Леонидович (1890-1960 йй.).**

2851. "Ҳаво кемаси" (1840 й.) асари қайси рус шоири қаламига мансуб? **Лермонтов Михаил Юрьевич (1814-1841 йй.) қаламига мансуб.**

2852. "Ҳаво шарида беш ҳафта" (1863 й.) биринчи романи қайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Верн Жюль (1828-1905 йй.) қаламига мансуб.**

2853. Ҳаворанг булбул ёки бирор нарсанинг бошланиши" (1972 й.) ҳикоялар тўплами муаллифи қайси немис ёзувчиси? **Штритматтер Эрвин (1912 й.).**

2854. "Ҳаворанг чашка" (1936 й.) асари қайси рус болалар ёзувчиси қаламига мансуб? **Гайдар Аркадий Петрович (асл фамилияси Голиков; 1904-1941 йй.) қаламига мансуб.**

2855. "Ҳаворанг, тилла ранг кенгликлар" (1919 й.) биринчи шеърлар китоби қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Скосирев Пётр Георгиевич (1900 - 1960 йй.) қаламига мансуб.**

2856. "Ҳаворанг тасма" (1938 й.) романи қайси немис ёзувчиси қаламига мансуб? **Келлерман Бернхард (1879-1951 йй.) қаламига мансуб.**

2857. "Ҳаворанг қалам" асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Султон Жўра (тахаллуси; асл исм-шарифи Жўраев Султон) (1910 -1943 йй.) қаламига мансуб.**

2858. "Ҳавога чизилган дунё" (1935 й.) илк китоби муаллифи қайси турк шоири? **Доғларжа Фозил Хусну (1914 йилда туғилган).**

2859. "Ҳаворий" (1848 й.) достони қайси венгер шоири қаламига мансуб? **Петёфи Шандор (1823-1849 йй.) қаламига мансуб.**

2860. "Ҳад" (2005 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек шоири? **Немоил Тўхтамишев (1950-2015 йй.).**

2861. "Ҳадиси шарифлар асосида 1600 тўртлик" (2011 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири? **Шукур Қурбон (1951 йилда туғилган).**

2862. "Ҳадя" (1940 й.) шеърий тўпламин муаллифи қайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1981 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1971 й.)? **Рамз Бобожон (тахаллуси; асл исм-шарифи Бобожонов Рамз, 1921-2008 йй.).**

2863. "Ҳадя" (1946 й.) тўплами қайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1974 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1985 й.) қаламига мансуб? **Уйғун (тахаллуси; асл исм-шарифи Отақўзиев Раҳматулла) (1905 -1990 йй.) қаламига мансуб.**

2864. "Ҳаёт" асари қайси ўзбек шоири, таржимон, арабшунос, хаттот қаламига мансуб? **Алмаий (тахаллуси; асл исм-шарифи Файзуллох Мирҳалол ўғли) (1851/52 й. - Тошкент - 1894/95 й.) қаламига мансуб.**

2865. "Ҳаёт" (1-2-жилдлар, 1830-1831 йй.) автобиографик асари муаллифи қайси Дания ёзувчиси? **Эленшлегер Адам Готлоб (1779-1850 йй.).**

2866. "Ҳает" (1883 й.) романи қайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Мопассан Ги (тўлиқ исм-**

шарифи Анри Рене Альбер Ги) де (1850 - 1893 йй.) каламига мансуб.

2867. "Ҳаёт" (1848 й.) асари муаллифи кайси румин шоири? **Эминеску Михаил (Михай; асл фамилияси–Эминович, 1850–1889 йй.).**

2868. "Ҳаёт" китоби кайси ёзувчи каламига мансуб? **Бўтаев Шойим (1959 йилда туғилган) каламига мансуб.**

2869. "Ҳаёт" (1930 й.) публицистик асари кайси ўзбек шоири, публицист, адабиётшунос, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943 й.) каламига мансуб? **Ҳамид Олимжон (Олимжонов Ҳамид) (1909-1944 йй.) каламига мансуб.**

2870. "Ҳаёт" (1933 й.) автобиографик достони муаллифи кайси рус шоири? **Луговской Владимир Александрович (1901-1957 йй.).**

2871. "Ҳаёт" (1935 й.) драмаси муаллифи кайси Озарбайжон халқ ёзувчиси (1961 й.), Озарбайжон ФА акад. (1945 й.)? **Иброхимов Мирза Аждар ўғли (1911 йилда туғилган).**

2872. "Ҳаёт абадий" (1964 й.) хикояси кайси ўзбек ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1980 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1984 й.), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992 й.) каламига мансуб? **Умарбеков Ўлмас (1934-1994 йй.) каламига мансуб.**

2873. "Ҳаёт абадий" (1974 й.) тўплами кайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991 й.) каламига мансуб? **Холмирзаев Шукур (1940-2005 йй.) каламига мансуб.**

2874. "Ҳаёт алангаси" (1952 й.) асари кайси немис ёзувчиси каламига мансуб? **Ремарк Эрих Мария (1898-1970 йй.) каламига мансуб.**

2875. "Ҳаёт баҳори" (1960 й.) асари кайси Тожикистон халқ шоири (1974 й.) каламига мансуб? **Боки Рахимзода (1910-1980 йй.) каламига мансуб.**

2876. "Ҳаёт билан ҳамнафас" (1983 й.) асари кайси адабиётшунос олим, танқидчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (2002 й.) каламига мансуб? **Шарафиддинов Озод Обидович (1929-2005 йй.) каламига мансуб.**

2877. "Ҳаёт булоқлари" (1953 й.) романи кайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1976 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1966 й.), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1983 й.), драматург каламига мансуб? **Иброхим Раҳим (тахаллуси, тўлик исм-шарифи Рахимов Иброхим Абдурахимович) (1916-2001 йй.) каламига мансуб.**

2878. "Ҳаёт бўсағасида" (1960 й.) автобиографик киссаси муаллифи кайси рус шоири? **Маршак Самуил Яковлевич (1887-1964 йй.).**

2879. "Ҳаёт варақалари" (1932 й.) илк шеърлар тўплами кайси ўзбек шоираси, журналист, таржимон, Ўзбекистон халқ шоираси (1965 й.), Халқаро Неру (1968 й.), "Нилуфар" (1971 й.) мукофотлари ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970 й.) совриндори, Меҳнат Қаҳрамони (1984 й.), шоир Ҳамид Олимжон рафиқаси каламига мансуб? **Зулфия (тахаллуси; тўлик исм-шарифи Исроилова Зулфия) (1915-1996 йй.) каламига мансуб.**

2880. "Ҳаёт дарахти" киссаси кайси шоира каламига мансуб? **Ойдинниso (1980 йилда туғилган) каламига мансуб.**

2881. "Ҳаёт дарвозаси" (1978 й.) хикояси кайси ўзбек ёзувчиси, шоир, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991), "Дўстлик" ордени совриндори каламига мансуб? **Омон Мухтор (тахаллуси; асл исм-шарифи Мухторов Омон Сулаймонович) (1941-2013 йй.) каламига мансуб.**

2882. "Ҳаёт жилоси" (1961 й.) шеърий тўплами кайси ўзбек шоираси, журналист, таржимон, Ўзбекистон халқ шоираси (1965 й.), Халқаро

шарифи Анри Рене Альбер Ги) де (1850 - 1
қаламига мансуб.

2867. "Ҳаёт" (1848 й.) асар
мин шоири? **Эминеску Михаи**
лияси–Эминович 1

2868
ман

Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943 й.) каламига мансуб? **Ҳамид Олимжон (Олимжонов Ҳамид) (1909-1944 йй.) каламига мансуб.**

2885. "Ҳаёт давом этади" (1933 й.) романи кайси Норвегия ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1920 й.) каламига мансуб? **Гамсун (Хамсун) (тахаллуси; асл фамилияси Педерсен) Кнут (1859-1952 йй.) каламига мансуб.**

2886. "Ҳаёт сўқмайди" (1934 й.) шеърий гўплами кайси кочок шоири каламига мансуб? **Жароков Тоир (1908-1965 йй.) каламига мансуб.**

2887. "Ҳаёт дафтари" (1938 й.) шеърий тўпла
мухлисифи кайси ўзбек шоири ва драматург? **Туй**
сиялиси; асл ном-шарифи Х бердиев
курбон, 1908 й.).

2888. "Ҳаёт гулшани" (1959
шоири кайси ўзбек шоири
Ўзбекистон халқ шоири (196
санъат арбоби (
ном-шар

2889. "Ҳаёт шиори" (1921
драматург, тар

2890. "Ҳаёт завқи" (1980 й.) шеърий тўплами кайси ўзбек шоираси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1994 й.) каламига мансуб? **Салимова Шарифа (1951 йилда тугилган) каламига мансуб.**

2891. "Ҳаёт икр-чикирлари" (1886-1887 йй.) асари муаллифи кайси рус ёзувчиси? **Салтиков Михаил Евграфович, Салтиков-Шчедрин (асл фамилияси Салтиков; тахаллуси - Н. Шчедрин) (1826-1889 йй.).**

2892. "Ҳаёт илҳомлари" (1956 й.) шеърий тўплами кайси Ўзбекистон халқ шоири (1981 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.), Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1994 й.) каламига мансуб? **Шукрулло (Юсупов) (1921 й.) каламига мансуб.**

2893. "Ҳаёт ишки" достони кайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1979 й.) каламига мансуб? **Ҳамид Гулом (Гуломов Ҳамид Убайдуллаевич) (1919 - 2005 йй.) каламига мансуб.**

2894. "Ҳаёт ишки" (1966 й.) тўплами кайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1974 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1985 й.) каламига мансуб? **Уйғун (тахаллуси; асл ном-шарифи Отакўзиев Рахматулла) (1905 -1990 йй.) каламига мансуб.**

2895. "Ҳаёт кутмайди" (2012 й.) ҳикоялар тўплами муаллифи кайси ўзбек ёзувчиси, драматург, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990 й.)? **Иброхимов Абдукаххор Абдусаматович (1[illegible] йилда тугилган).**

2896. "Ҳаётга йўл" (1940 й.) киссаси муаллифи [illegible] худий ёзувчиси ва драматург? **Ҳаимов Ёкуб [illegible].**

[illegible] "Ҳаётга йўл" (1961 й.) ҳикоялар тўплами к[illegible]алмоғистон халқ шоири (1972 й.) каламига

мансуб? **Эренженов Константин Эренженович (1912 й.) каламига мансуб.**

2898. "Ҳаёт йўли" (1970 й.) киссаси муаллифи кайси Лоас ёзувчиси? **Диан Саван.**

2899. "Ҳаёт йўлидан" (1913 й.) шеърий тўплами кайси Белоруссия халк шоири (1925 й.), Белоруссия ФА акад. (1928 й.) каламига мансуб? **Купала Янка (тахаллуси, асл исм-шарифи Иван Доминикович Луцевич) (1882-1942 йй.) каламига мансуб.**

2900. "Ҳаёт йўли" (1950 й.) шеърлар тўплами кайси Белоруссия халк шоири (1962 й.), Белоруссия ФА акад., Белоруссия энциклопедияси бош мухаррири (1966 йилдан), Мехнат Кахрамони (1972 й.) каламига мансуб? **Бровка Петрусь |(Петр Устинович) (1905-1980 йй.)| каламига мансуб.**

2901. "Ҳаётга чакирик" (1956 й.) хикояси кайси ўзбек шоири, драматург; таржимон, Ўзбекистон халк ёзувчиси (1980), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1972 й.) каламига мансуб? **Аскад Мухтор (тахаллуси; фамилияси Мухторов) (1920 - 1997 йй.) каламига мансуб.**

2902. "Ҳаёт - туш эмас" (1949 й.) асари кайси италъян шоири, Нобель мукофоти совриндори (1959 й.) каламига мансуб? **Квазимодо -Сальваторе (1901-1968 йй.) каламига мансуб.**

2903. "Ҳаёт учкуни" (1907 й.) асари муаллифи кайси америкалик ёзувчи? **Лондон Жек (тахаллуси; асл исм-шарифи Жон Гриффит) (1876-1916 йй.).**

2904. "Ҳаёт фалсафаси" (1979 й.) шеърий китоби муаллифи кайси коракалпок шоири ва драматург; Коракалпогистон халк шоири (1985 й.)? **Сейтжанов Тежетдин (1924-1998 йй.).**

2905. "Ҳаёт хикматлари" (2016 й.) асари кайси ўзбек шоири, таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими? **Камчибек Ку...**

2906. "Ҳаёт ўйини" (1896 й.) драмаси кайси Норвегия ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1920 й.) каламига мансуб? **Гамсун (Хамсун) (тахаллуси; асл фамилияси Педерсен) Кнут (1859-1952 йй.) каламига мансуб.**

2907. "Ҳаёт ўйини" (1928 й.) асари кайси украин ёзувчиси каламига мансуб? **Ле Иван (тахаллуси; асл исм-шарифи Мойся Иван Леонтьевич) (1895 - 1948 йй.) каламига мансуб.**

2908. "Ҳаёт ҳакида кисса" автобиографик эпопеяси (1-кисм-"Йирок йиллар" 1945 й.; 2-кисм-"Серташвиш ёшлик", 1955 й.; 3-кисм-"Нотаниш асрнинг мукаддимаси", 1957 й.; 4-кисм- "Катта умидлар даври", 1960 й.; 5-кисм - "Жанубга интилиш", 1960 й.; 6-кисм - "Дарбадарлик китоби", 1963 й.) кайси рус ёзувчиси каламига мансуб? **Паустовский Константин Георгиевич (1892 - 1968 йй.) каламига мансуб.**

2909. "Ҳаёт ҳакида" туркум кўшиклари кайси дарғин шоири каламига мансуб? **Ботирой (1831-1910 йй.) каламига мансуб.**

2910. "Ҳаёт кувончлари ва ташвишлари" китоби кайси журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990 й.) каламига мансуб? **Ёкубов Дахон (1954 йилда тугилган) каламига мансуб.**

2911. "Ҳаёт кўшиклари" (1962 й.) шеърий тўплами муаллифи кайси ўзбек шоири, ёзувчи ва драматург, Ўзбекистон халк шоири (1965 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944 й.)? **Собир Абдулла (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдуллаев Собир) (1905-1972 йй.).**

2912. "Ҳаёт кўшиғи" (1947 й.) драмаси кайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халк шоири (1965 й.), Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1974 й.), Мехнат Кахрамони (1985 й.) каламига мансуб? **Уйғун (тахаллуси; асл исм-шарифи Отакўзиев Рахматулла) (1905 -1990 йй.) каламига мансуб.**

2913. "Ҳаёт қўшиғи" асари қайси ўзбек адиби қаламига мансуб? **Ўлмас Умарбеков (1943-1994 йй.) қаламига мансуб.**

2914. "Ҳаёт ва умид қўшиқлари" (1905 й.) қайси Никарагуа шоири қаламига мансуб? **Р. Дарио (1867-1916 йй.) қаламига мансуб.**

2915. "Ҳаёт ва ўйлар" (1963-1967 йй.) шеърий тўплами муаллифи қайси Қалмоғистон халқ шоири (1969 й.)? **Кугультинов Давид Никитич (1922 й.).**

2916. "Ҳаёт ва ўлим эвазига" (1953 й.) романи муаллифи қайси болгар ёзувчиси? **Д. Ангелов.**

2917. "Ҳаёт ёки ўлим" (1941 й.) романи қайси Қозоғистон халқ ёзувчиси, Қозоғистон ФА мухбир аъзоси (1958 й.) қаламига мансуб? **Мустафин Ғабиден (1902-1985 йй.) қаламига мансуб.**

2918. "Ҳаёт ва ижод" (1974 й.) асари муаллифи қайси қримтатар шоири ва адабий танқидчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968 й.)? **Шемъизода Эшреф Абдураманович (1908-1978 й.).**

2919. "Ҳаёт ва сўз" (1954 й.) асари қайси Тожикистон халқ шоири (1974 й.) қаламига мансуб? **Боқи Раҳимзода (1910-1980 йй.) қаламига мансуб.**

2920. "Ҳаёт гиёҳга ўхшайди" (1954 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси швед ёзувчиси, Швеция Академияси аъзоси (1968 й.)? **Лундквист Артур Нильс (1906 -? йй.).**

2921. "Ҳаёт китобида нималар ёзилган" (1911 й.) асари қайси украин ёзувчиси, украин адабиётида реализм асосчиси қаламига мансуб? **Коцюбинский Михаил Михайлович (1864-1913 йй.) қаламига мансуб.**

2923. "Ҳаёт лавҳалари" (1970 й.) асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Ахмад Раҳмат.**

2924. "Ҳаёт мактаби" (1949-1953 йй.) трилогияси қайси қозоқ ёзувчиси, Қозоғистон ФА акад. (1954 й.), Абай номидаги Қозоғистон Давлат мукофоти совриндори (1967 й.) қаламига мансуб? **Муконов Собит Муконович (1900 - 1973 йй.) қаламига мансуб.**

2925. "Ҳаёт мактаби" (1954 й., Ё. Худойқулов билан ҳамкорликда) пьесаси қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1975 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950 й.) қаламига мансуб? **Сафаров Назир (1905 -1985 йй.) қаламига мансуб.**

2926. "Ҳаёт менинг ҳамширам" (1917 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси рус шоири, Нобель мукофоти совриндори (1958 й.)? **Пастернак Борис Леонидович (1890-1960 йй.).**

2927. "Ҳаёт - мамот қурашида" (1958 й.) киссаси қайси поляк ва рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Василевская Ванда Львовна (1905-1964 йй.) қаламига мансуб.**

2928. "Ҳаёт-мамот палласи" (1954 й.) асари қайси немис ёзувчиси қаламига мансуб? **Ремарк Эрих Мария (1898-1970 йй.) қаламига мансуб.**

